

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУХРЛАРИ

Шерзод Раджабов

Термиз археология музейи бўлим муdiri.

Абдудаева Сабоҳат

Музей бош мутахассиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14970402>

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхон воҳасининг қадимий мухрлари ва уларнинг топилган жой номлари ҳақида илмий маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Тотемизм, анимизм, илон, бургут, туя, тўқай мушуги, архар, тоғ такаси, йўлбарс, тўнғиз каби ҳайвонлар, Жарқўтон пиктографиясида илон, бургут, қобан каби ҳайвонлар, пиктографик ёзув, Тиллабулоқдан топилган аждар тасвири қадимий мухр, ибтидоий ёзув шакллари, Окс глиптикаси, Даштли, Сополли, Жарқўтон, Тўғолоқ, Гонур, белги-ёзувлари, Бактрия-Маргиёна, Сополли маданияти мухрлари, Лабиринт мухр, XI-XII асрларга оид мухрлар, Семургнинг “Хумо”, “Анқо”, “Давлат қуши”, “Бахт қуши”, “Марқумома”, “Кунтубулгон”, “Булбулигўйё”.

ANCIENT SEALS OF THE SURKHAN OASIS

Abstract. This article provides scientific information about the ancient seals of the Surkhan oasis and the names of the places where they were found.

Keywords: Totemism, animism, animals such as snake, eagle, camel, tokay cat, argali, mountain goat, tiger, boar, animals such as snake, eagle, boar in Zharkotan pictography, pictographic writing, ancient seal with a dragon image found in Tillabulak, primitive forms of writing, Ox glyptics, Dashtli, Sopolli, Zharkotan, Togolok, Gonur, sign-writings, Bactria-Margiana, Sopolli culture seals, Labyrinth seal, seals of the 11th-12th centuries, Semurg's "Humo", "Anko", "Davlat kushi", "Bakht kushi", "Markumomo", "Kuntubulgan", "Bulbuliguuyo".

ДРЕВНИЕ ПЕЧАТИ СУРХАНСКОГО ОАЗИСА

Аннотация. В статье приводятся научные сведения о древних печатях Сурханского оазиса и названия мест, где они были найдены.

Ключевые слова: Тотемизм, анимизм, животные, такие как змея, орел, верблюд, токайская кошка, архар, горный козел, тигр, кабан, животные, такие как змея, орел, кабан в пиктографии Жаркотана, пиктографическое письмо, древняя печать с изображением дракона, найденная в Тиллабулаке, примитивные формы письма, глиптика Оха, Даштли, Сополли, Жаркотан, Тоголок, Гонур, знаковые письмена, Бактрия-Маргиана, печати

культуры Сополли, Лабиринтная печать, печати XI-XII вв., «Хумо», «Анко», «Давлат куши», «Бахт куши», «Маркумомо», «Кунтубулган», «Бульбулигюё» Семурга.

Қадимги Бақтрия олис ва бой маданиятга эга макон. Сурхон воҳаси кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, мил.авв. I минг йилликда бу ҳудудда давлатчиликка асос солингани аслида бу маконда давлатчилик илдизлари сўнгги бронза давридаёқ куртак ёза бошлангани археологик манбалар асосида ўз исботини топди.

Сополлитепа ва Жарқўтондан ҳам турли муҳрлар соч тўғноғилар ва қадимги ёзувларнинг топилиши рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Давлатчиликнинг пайдо бўлиши бир неча қоида ва нормаларга таянади яъни давлатчилик бўлиши учун аввало унинг ҳудуди ва унда истиқомат қилувчи инсонлар жамоаси яъни халқи(айни мана шу ерга эътибор беринг халқи деб ижтимоий тоифаларга бўлини

ши зарур), муҳофаа иншооти, албатта муҳофаланишда навкарларнинг ўрни алоҳида шунингдек давлат муҳри ва ёзувларнинг бўлиши ажралмас зарурият сифатида қайд этишимиз лозим.

Давлатчиликнинг бўлишидаги асосларидан бири муҳрлар мавзусини давом эттирсак аввало, унинг пайдо бўлиши асл негизини топишимиз лозим. Сурхон воҳасидан топилган энг қадимги муҳрлар Сополлитепадан топилган муҳрлар бўлиб, уларда тотемизм, анимизм каби тотемларга сиғиниш учрамайди. Аммо, уларнинг тошга, терракота ва металлга ишланган сиймолари (шакл-шамойили) тумор, тош мунчоқ нақшларида катта патриархал оила (нмана) ва қишлоқ (вис) муҳрларида рамзий маънода учрайди. Масалан, Сополлитепада илон, бургут, туя, тўқай мушуги, архар, тоғ такаси, йўлбарс, тўнғиз каби ҳайвонлар, турли ҳил гиёҳлар тумор ва жамоа муҳрларида кенг акс этган¹. Ушбу ёдгорликдан топилган муҳрлар ичида энг жилокори “қишлоқ сардорининг муҳри бўлиб, унда тўрт тарафга қараган илон тасвири дунёнинг тўрт томонини англатса, яна илонни шарқда донишмандлик сифатида улуғланади. Ушбу муҳрнинг орқа тарафида 4 та ҳайвон (тўнғиз, йўлбарс, тўқай мушуги ва тоғ такаси)нинг сурати туширилган. Тўрт ҳайвон симболи Сополлитепа халқинининг муқаддас ҳайвонлари ҳисобланади.

Сополлитепанинг тўрт симболи яъни эътибор қаратилса муҳрларида ҳам муҳофаа иншоотида ҳам дунёнинг тўрт томони акс этган бўлиб, “тўрт” симболи ҳам

¹ А.Асқаров “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи”

муқаддас рақам бўлганлигидан дарак беради. Сополлитепанинг мудофаа деворлари уч қаторли бўлиб, тўрттала томонидан ҳам дарвозалар ишланган аммо кириш фақат жанубий дарвоза орқали кирилган. Ушбу мухрнинг икки томонида жами бўлиб 8 та ҳайвон (4 та илон, тўнғиз, йўлбарс, тўқай мушуги ва тоғ такаси) нинг акс эттирилиш эҳтимол Сополлитепанинг қишлоқлари (уруғлар сони) га нисбатан бўлиши мумкин сабаби Сополлитепа 8 қишлоқдан иборат бўлган².

Жарқўтон пиктографиясида илон, бургут, қобан каби ҳайвонлар тасвирдан кенг фойдаланилган. Бу ҳолат нафақат Жарқўтон, балки бутун пиктографик ёзув усулларига хос анъанадир. Қадимги Шарқ тарихига эътибор берадиган бўлсак, ягона худолик шаклланиб бораётган даврда ҳам эски дин кўринишлари, жумладан тотемлар сақланиб қолаверган.

Гоҳида ушбу туйғу ривожланиб, алоҳида ҳайвонларга, тотемларга сиғинишнинг зоолатрия ёки теротеизмнинг (ҳайвонларга сиғиниш) сақланишига олиб келган³. Сополлитепа конфедератив қабилалар иттифоқи бўлган. Мухрлар ичида энг ўзига ҳос хусусиятlisi бу – Тиллабулоқдан топилган аждар тасвири қадимий мухрдир. Ушу мухрнинг тасвири қуйидагича бўлиб, бутун дунёни ютиб юбораётган аждар, инсон ва ит тасвири ишланган. Мухрнинг бир қисми синган. Ўзига ҳос томонларидан яна бири ўша давр кишиларининг тасавури, яъни инсонлар ўзи билмаган, кўрмаган ҳайвонларининг тасвири ишланиши бу дунёқараши ва онги бой улкан сивилацион даражада бўлганлигидан дарак беради. Айни шу мухр ҳозирда бутун бир миллат давлатчилиги тарихини 200-300 йил орқага қайтариши ўзига ҳос тарихий янгилик бўлди. Ушбу маъмуотни ҳатто немис тарихчи археологлари ҳам тасдиқлашди. Т.Ш. Ширинов ўз асарида Жарқўтон ёдгорлигида жамоа бошлиқлари ёки ҳукмдорлари истиқомат қилган саройга, диний марказ бўлган ибодатхонага, мудофаа деворлари билан ўралган аркка, шаҳар аҳолиси яшаган ва ишлаган кўплаб иморатларга, юқори даражада ривожланган хунармандчиликка, мухр ёки қимматбаҳо буюмлар учрайдиган «бой» қабрларга, савдонинг ривожини тасдиқловчи бошқа маданиятларга ҳос бўлган ашёларга кенг таъриф берган ва глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув шакллариининг бўлишини эътироф этган бўлса⁴, шу асарнинг бошқа жойида «... урф - одатларга тамомила бўйсунувчи, оғзаки ижод ривожланган, давлат бошқаруви эса кам тараққий этган жамоаларда ёзувнинг бўлишини илк шаҳарларнинг иккинчи даражали белгиси деб

² А.Аскарлов “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” 145-бет

³ Анвар Боқиев Алишер Шайдуллаев Зубайда Йўлдошева. “Окс цивилизацияси” 95-бет.

⁴ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 20.

хисоблайди⁵. Оқс глиптикаси тарихини ўрганишни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр ўтган асрнинг 70-80 йилларини ўз ичига олиб бу давр глиптика бўйича манбаларнинг йиғилиши ва глиптикага оид тасвирлар ифодаланган муҳрларнинг вазифалари хусусидаги билимларнинг тўпланиши билан характерланади⁶. Бу даврда Даштли, Сополли, Жарқўтон, Тўғолоқ, Гонур каби ёдгорликлардан кўплаб муҳр ва тақинчоқлар стратиграфик жиҳатдан аниқликлар киритилган ҳолда фанда ёритилган бўлса⁷, Афғонистон бозорларида сотилаётган юзлаб муҳрлар антиквар товар сифатида намоён бўлди⁸ ва ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Жарқўтон даври пиктографик белги-ёзувлари орасида хоч энг кўп учрайдиган белги хисобланади. Хоч нафақат сополларда, балки, Сополлитепа ва Жарқўтон тумор ва муҳрларида ҳам кенг тарқалган⁹. Сополли даври пиктографик белги-ёзувларида хоч доимо алоҳида учраса, Жарқўтон даврига келиб хоч алоҳида учраши билан бирга ярим ой шакли ичида айлана шакли ичида учраши билан бирга хочга қўшимча чизиқларнинг чизилиши ҳам характерлидир. Бу жараён хоч белгиси пиктографик ёзувда кенг қўлланилганлигидан дарак беради.

Сополлитепа муҳрлари шахсий мулкнинг инъикоси сифатида пайдо бўлган муҳрларилк давлатчилик тарихини ўрганишда асосий археологик манбалардан бири хисобланади.

Сўнгги йилларда археология фанида муҳрларнинг Бақтрия-Марғиёна варианты ҳам пайдо бўлди. Сополли маданиятига оид муҳрлар асосан металл(мис, бронза) ҳар хил юмшоқ таркибли тошлардан, сополдан ва ёғочдан ясалган. Улар кўпинча тақиб юришга мўлжалланлиги боис балдоқли, тошдан ясалган муҳрларда эса тешикчаларнинг бўлиши характерлидир. Сополли маданияти муҳрлари биринчи марта ашёси асосида типларга ва шаклларга қараб вариантларга бўлинади. Улар Сополли маданияти анъаналари асосида ясалган ва маданиятлараро тарқалган муҳрларга ажратилди. Муҳрлар Сополли маданияти сўнггида эмас балки унинг Кўзали босқичида хаёт тарзидан чиқиб кетганлиги аниқланди.

Тиллабулоқ ёдгорлигидан топилган муҳрда айлана шаклли лабиринт тасвирланган. Бир қарашда у илоннинг ғужанак бўлиб турган ҳолатини ҳам эслатади. Аммо, муҳрни лой парчасига ёки пластилинга босиб кўрилганда илондан кўра лабиринт тасвирланганлиги

⁵ Аскарлов А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии ... – С.27.

⁶ Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока. СА. №4, 1984. - С. 26-34.

⁷ Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба. СА. №2, 1981. - С. 132-150.

⁸ Sarianidi V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981.

кўринади. Лабиринт муҳр параметридан (гардиш) бошланиб, айлана шаклида марказгача борган. Психологик жihatдан лабиринт марказни топишдан иборатдир. Тиллабулоқ муҳрида уч айланали лабиринт ва марказга этакловчи йўл тасвирланган. Термиз археология музейида энг қадимги муҳрлардан тортиб ўрта асрларга қадар фойдаланилган жамият бошқарувида муомолада бўлган муҳрлар ўрин олган жумладан шундай муҳрлардан яна бири вилоятимизнинг шимолий ҳудудларидан Узун тумани Жончекка кишлоғи ҳудудида жойлашган Аҳамонийлар ва антик даврга оид бўлган ёдгорликдан топилган. Ушбу муҳрнинг ўлчами: 4-4,5 см бўлиб, юзаси текис ҳолатда бўлиб, қалинлиги 1,5 см. гача боради. Узун тумани 11-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Умаров Камолиддин томонидан топилиб Термиз археология музейига юборилди. Ушбу муҳр мил.авв. 8-6 асрларга таълуқли бўлиб, унда Бактрия мабудаси тасвири туширилган. Ушбу ноёб топилмада Маъбуда парвоз қилаётган ҳолда юқори қисмида эса камончи уни ҳимоя қилаётган ҳолатда ишланган. Ҳавода яна бир инсон тасвири ишланган бўлиб оёқлари баққуват бўлиб, чалкаштирилган тарзда ишланган. Муҳрда мабуда сажда қилаётган инсон тасвири, тахтиравон, сингари образлар ишлаган бўлиб, мақоламизнинг айна маъносини ҳам очиб беради сабаби, давлатчилик (ижтимоий тоифалар яъни табақаланишдан дарак беради.) муносабатлари аста-секин куртак ёзганидан дарак.

XI-XII асрларга оид муҳрлардан яна бири Эски Термиздан топилган бўлиб, унда олти қиррали бўртма безак берилган. муҳрнинг кўриниши айланасимон олти қиррали шаклда ички чизиклари ҳам олти қиррали. Муҳрнинг марказида яна бўртма шаклдаги юлдуз шакли ишланган. Ҳар бир даврнинг ўзига ҳос тасвирлари ва маъно мазмунини англатаувчи муҳрлари мавжуд бўлган. Мустақил Ўзбекистонимизнинг муҳри бу Ҳумо (Семурғ) кушидир. Ушбу куш ҳақида қадимги Авестода куйидагича тасвирланади. “Senemurg” шаклида учрайди. Туркий халқларда Семурғнинг “Ҳумо”, “Анқо”, “Давлат куши”, “Бахт куши”, “Марқумомо”, “Кунтубулғон”, “Булбулигўйё” ва кўплаб номлари мавжуд. Бу илоҳий куш азал-азалдан тинчлик, бахт ва эрксқварлик рамзи ҳисобланади.

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг муҳрига айланган бу куш давлат идоралари ҳужжатлари ҳамда миллий валутаимиз сўмда бўлиши лозим.

REFERENCES

1. А.Асқаров “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи”
2. А.Асқаров “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” 145-бет

3. З.Анвар Боқиев Алишер Шайдуллаев Зубайда Йўлдошева. “Окс цивилизацияси” 95-бет.
4. Аскарлов А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 20.
5. Аскарлов А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура на юге Средней Азии ... – С.27.
6. Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока. СА. №4, 1984. - С. 26-34.
7. Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовий Мургаба. СА. №2, 1981. - С. 132-150.
8. Sarianidi V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L., New York, 1981.
9. Ш.Шайдуллаев. “Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари(Бактрия мисолида).
10. Ўзбекистон миллий энс. 2000 й. 1-жилд.

